

## А Ж Р И М

2022 йил октябрь ойининг 24 кунида, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, “Жўрабек” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья А.Икромовнинг раислигида, Б.Ҳаққиевнинг котиблигида, тарафлардан Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Бобоқулов, гумон қилинувчи ФИШ ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Хусанбоев, жабрланувчи А.Юсуповнинг иштирокида,

XXXXXXX йилда Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Бухоро вилояти, Пешкў тумани, XXXXX-уйда яшовчи **ФИШ** га

нисбатан Жиноят Кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан бўлган 1-1009-2205/770-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан, ФИШ ўзганинг мол-мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 5 август куни, “ОЛХ” ижтимоий тармоғи орқали “iPhone 12 pro” русумли телефон апаратини сотиши ҳақида эълон қолдириб, мазкур телефон апаратини олиш мақсадида қўнғироқ қилинган фуқаро А.Юсуповни ишонтириб, унинг 7.800.000 сўм миқдордаги пулларни қўлга киритиб, бироқ берган ваъдасини бажармасдан ва ундан олган пулларни қайтариб бермасдан, қўлга киритган пулларни ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи ФИШ айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги, унинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини, бошқа бу ҳолат такрорланмаслигини билдириб кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Суд мажлисида жабрланувчи А.Юсупов ишни ярашувга асосан тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарарларни қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ,



ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи ва гумон қилинувчи ФИШнинг аризаларини жиноят иши билан ўрганиб, тарафлар фикрини тинглаб, юқоридаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи **ФИШ** га оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан, айблилик ҳақидаги масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Юсуповга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судига гумон қилинувчи ва жабрланувчи томонидан хусусий шикоят, прокурор томонидан хусусий протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**А. Икромов**

Нусхаси аслига тўғри;

